

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА МАНЗУРА АКРАМОВНА**

**СУЯКНИ РЕПАРАТИВ РЕГЕНЕРАЦИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ВА ТИЗИМЛИ  
ОМИЛЛАРНИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ МОРФОЛОГИК ЎРГАНИШ**

**14.00.02 - Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашева Манзура Акрамовна**

Суякни репаратив регенерациясини такомиллаштиришда

маҳаллий ва тизимли омилларни механизмларни

морфологик баҳолаш.....

3

**Юлдашева Манзура Акрамовна**

Морфологическое исследование механизмов влияния

местных и системных факторов на оптимизацию

репаративной регенерации костной ткани.....

19

**Yuldasheva Manzura Akramovna**

Morphological study of mechanisms the impact of local and systemic factors

on optimization of reparative regeneration bone tissue .....

35

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works .....

39

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВА МАНЗУРА АКРАМОВНА**

**СУЯКНИ РЕПАРАТИВ РЕГЕНЕРАЦИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ВА ТИЗИМЛИ  
ОМИЛЛАРНИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ МОРФОЛОГИК ЎРГАНИШ**

**14.00.02 - Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib739 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рахматова Муқаддас Холтаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Гулямов Нариман Гулямович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Миршарапов Уткур Миршарапович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc 27.6.2017. Tib 30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзи: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 1- ўқув биносининг мажлислар зали. Тел/Факс (+99871)150-78-25; e-mail:tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган)(Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2- ўқув биноси, «Б» қаноат, 14 қават, 7 хона. Тел/факс (+99871)150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси) .

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**У.М.Миршарапов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

**Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати.** Суяк тўқимасининг репаратив регенерацияси муҳим фундаментал ва клиник тиббиётнинг долзарб муаммосидир. Олимларнинг фикрича «... таянч-харакат аъзоларининг шикастланишининг 15 - 45% сон суягини синиши ташкил этади. Узун найсимон суяклар «... ичида катта болдир суягини синиши энг кўп (8,1 дан 61,5% гача) бўлиб диафиз соҳасининг шикастланиши 11,0 дан 87,9% гача рўй беради...»<sup>1</sup>. Синган суякларни даволаш негизида кенг консерватив ва оператив усуллардан фойдаланади. Улар каторига академик И.А.Илизаровнинг усулини турли модификациялари, суяк тикланишини даврларини назарга олганда патофизиологик ва патогенетик асосланган диафизар синишларни суяк орқали остеосинтези, михлар билан эластик турғун (стабил) суяк кўмиг остеосинтези. Шунга карамасдан суяк репаратив регенерациясини баҳолашнинг янги ёки такомиллаштирган усуллари долзарб муаммо бўлиб колмоқда.

Жаҳонда суякни репаратив регенерациясини такомиллаштиришда маҳаллий ва тизимли омилларни морфологик баҳолаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қуёнларнинг катта болдир суяк меъерини морфологик ва морфометрик ҳамда қуёнларни катта болдир диафизини суяк нуқсонини репаратив регенерациясини морфологик ва морфометрик хусусиятларини баҳолашдан иборат. Қуёнларни катта болдир диафизини суяк нуқсонини репаратив регенерацияси сукцинасол таъсирида морфологик ва морфометрик хусусиятларини ва катта болдир диафизини суяк нуқсонини репаратив регенерацияси мобайнида суяк кўмиги ва периферик қон хужайраларига сукцинасол инфузияси қилган ва қилмаган ҳолатларда баҳолашдан иборат. Катта болдир диафизини суяк нуқсонини репаратив регенерацияси мобайнида нейтрофилларни функционал-метаболик фаоллигига сукцинасол инфузия қилган ва қилмаган ҳолатларда баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, таянч-харакат аъзолари шикастланишини такомиллаштиришга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар таянч харакат тизими сурункали

<sup>1</sup>Шукуров Е.М. Современные аспекты лечения больных с переломами нижних конечностей.//Гений ортопедии, 2014.-№3.-С.89-93.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

касалликларни камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали таянч-харакат тизими касалликлари асоратлари натижасидаги ногиронликни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590-сон Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 декабрдаги ПҚ-1442-сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Суякни репаратив регенерацияси, маҳаллий ва тизимли омиллар механизмлари таъсирида динамикада ва ёшга боғлиқ такомиллаштириш–фундаментал ва амалий тиббиётдаги мутахассисларни кўп йиллик изланишларидир [Г.А.Илизаров, 1991; А.С.Аврунин ва ҳаммуал., 2001; 2018; В.Г.Голобов, 2010; А.С.Григорьян ва ҳаммуал., 2015; Н.В.Дедух, Панков Е.А., 2011; В.Г.Климовицкий ва ҳаммуал., 2012; Ю.М.Ирьянов, 2012; И.В.Майбородин ва ҳаммуал. 2015; Г.А.Онопrienко, В.П.Волошин, 2017; I.Duni-Cule et all., 2014; F.Rhojastech et all., 2013; W.Li et all., 2015). Хорижий олимларини анъанавий гистологияни назарий концепциялари, хужайра биологияси ва биокимё, иммунологик ва эндокринологик яллиғланиш, репаратив ва физиологик регенерацияни, гомеостаз назоратини механизмларини аниқлаш [К.С.Казанин ва ҳаммуал., 2015; Г.В.Дъячкова ва ҳаммуал., 2018; Д.В.Кузьменко ва ҳаммуал., 2017; K.L.Spiller et all., 2014; F.Shapiro et al., 2008; M.M.Martino et all., 2015; E.A.Bayer et all., 2017], суяк тўқимасини шикастланиши ва репаратив жараённи ривожланиш механизмлари [Л.Б.Буравкова ва ҳаммуал., 2011; 2017], тўқимага хос тузилмаларни кўчиши ва ихтисосланиши, суяк шикастланган соҳада қон томирларини ривожланиши [Н.В.Боровкова ва ҳаммуал., 2016; M.Marino et all., 2015; С.А. О’Dreien et all., 2013; m.Shi et all., 2015] назарий ва амалий ишлатмаларини тадбиқ этишга жиддий таъсир этди. Бир катор олимлар остеогенезга жиддий таъсир этадиган маҳаллий ва тизимли омилларни [Е.Ю.Масленников ва ҳаммуллиф., 2010; О.Л.Гребнева ва ҳаммуллиф., 2012; А.М. Ali et all., 2015; Y.N.Kim et all., 2015; W.Li et all., 2015; T.Oxata et all., 2015; M.Shi et all., 2015]. Гормонлар (АКТГ, паратгормон ва б.), ўстирувчи омиллар тизимли

таъсир этувчи моддаллар бўлиб, кўп ва чекланган имкониятли узок хужайраларни кальцитонин ва бошқ.) [Ю.М.Ирьянов, Т.Ю.Ирьянова, 2012; А.В.Лисков ва ҳаммуал., 2010; M.Shi et all.,2015]. Дарҳақиқат, репаратив регенерацияга таъсир этувчи маҳаллий ва тизимли омиллар, уларни таъсир механизмлари бўйича изланишлар давом этади. Улар асосида суяк синишларини самарали ва беасорат тикланишига эришилади. Шикастланган сохани тиклаш ва даволашга бағишланган ишларда асосан механик ёндошиш: синган суяк фрагментларини мустақкам бир-бирига бириктириш ва қотиришдан иборат. Шубҳасиз, бу суяк репаратив регенерацияни ва тикланишни энг муҳим негизидир. Аммо, шу билан бирга кўп олимлар [Н.А.Корж, Н.В.Дедух, 2006; В.Г.Голобов, 2010; У.Ю.Масленников ва ҳаммул., 2010; Р.В.Деев, 2013; Л.Б.Резник ва ҳаммуллитф., 2015; W.Li et all., 2015; V.Shi et al., 2015].

Ўзбекистонда шикастланган суяк тўқималари тикланишга барча омиллар мавжуд бўлсада, асоратлар даражаси нисбатан кўп бўлмоқда [Е.М.Шукуров, 2014; М.Ж.Азизов, 2019] томонидан иботланган, бироқ, суякни репаратив регенерациясини такомиллаштиришда маҳаллий ва тизимли омилларни морфологик баҳолашга етрали даражада ўрганлмаган.

Бугунги кунда синган суяк битишига қон тизимини тикланиши механик омил билан тенг эканлигини исботлаган. Бироқ диафиз соҳадаги суякни мукамал даволашига ва битишига умумийлик йўқлиги муаммо ханузгача ҳал бўлмаганлиги ва изланишларни давом эттиришлиги ҳақида далолат беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат стоматология институтинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Аъзо ва тизимларни адаптациясини морфологик асосларини ўрганиш» (2014-2018) мавзусида доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** суякни репаратив регенерациясини оптималлаштиришда маҳаллий ва тизимли омиллар таъсири механизмларини морфологик баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

куёнларнинг катта болдир суяк меъёрини морфологик ва морфометрик хусусиятларини баҳолаш;

куёнларни катта болдир диафизини суяк нуқсонини репаратив регенерациясини морфологик ва морфометрик хусусиятларини баҳолаш;

куёнларни катта болдир диафизини суяк нуқсонини репаратив регенерацияси сукциносол таъсирида морфологик ва морфометрик хусусиятларини баҳолаш;

катта болдир диафизини суяк нуқсонини репаратив регенерацияси мобайнида суяк кўмиги ва периферик қон хужайраларига сукциносол инфузияси қилган ва қилмаган ҳолатларда баҳолаш;

катта болдир диафизини суяк нуқсонини репаратив регенерацияси мобайнида нейтрофилларни функционал-метаболик фаъоллигига сукциносол инфузия қилган ва қилмаган ҳолатларда баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тана вазми 2,0-2,5 кг бўлган Шиншила зотли қуёнларни III гуруҳида катта болдир суякни диафизини хизмат қилди: I (n=18; назорат) – диафизини эндостгача суяк нуқсонини ҳосил қилинган ва кейин биринчи -бешинчи кун мобайнида ҳар куни бир марта 0,9% физиологик эритма инфузия қилинган; II (n=18; тажриба) - диафизини эндостгача суяк нуқсонини ҳосил қилинган ва кейин биринчи -бешинчи кунда бир марта «Сукцинасол» эритмасини инфузия қилинган; III (n=6; меъёр) – таъсир этилмаган ушбу турдаги қуёнларни катта болдир суягини диафизини, меъёрий морфологик ва морфометрик хусусиятларини баҳоланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида катта болдир суяк диафизини, суяк қўмиги ва периферик қон хужайраларини морфологиясини меъёрда, диафизда суяк нуқсонини «Сукцинасол» ёки физиологик эритмасини инфузия қилингандан сўнг маҳаллий ва тизимли омилларни таъсирида репаратив регенерация жараёнини мукамаллаштириш механизмлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда морфологик, морфометрик, гематологик, биокимёвий ва статистик усуллар фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

катта болдир диафизининг суяк тўқимасини нуқсонини тизимли равишда суяк қўмиги ва периферик қон хужайралари, нейтрофиллар функционал-метаболик ўзгаришларига таъсири ва механизмлари асосланган;

суяк тўқимасини нуқсонини грануляция тўқима динамикасида остеоген, хондроген ва толали тўқима ривожланиши исботланган;

сингандан суяк фрагментлари тикланаётганда уларда сақланиб қолган тузилмалар қайта шаклланиши морфологик, биокимёвий ва гематологик кўрсаткичлари асосида исботланган;

«Сукцинасол» эритмасини диафизининг суяк нуқсонини репаратив регенерациясига тизимли ва маҳаллий таъсир этиш механизмлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Сукцинасол» эритмасининг инфузиясини диафизининг суяк нуқсонини репаратив регенерациясининг тизимли умумий таъсир этиш механизми ёритиб берилган;

«Сукцинасол» эритмасининг инфузиясини диафизининг суяк нуқсонини репаратив регенерациясининг маҳаллий таъсир этиш тартиби очиқ берилган;

катта болдир диафизининг суяк тўқимасини нуқсонини тизимли равишда суяк қўмиги ва периферик қон хужайралари, нейтрофиллар функционал-метаболик ўзгаришларига таъсири баҳоланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гематологик, биокимёвий ва статистик усуллар асосида суякни репаратив регенерациясини такомиллаштиришда маҳаллий ва тизимли омиллар таъсирини механизмларининг ўзига хослиги халқаро ҳамда



махаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишни натижаларини назарий аҳамияти организмнинг турли даражадаги функционал тизимларни яллиғланиш ва репаратив регенерация ва такомилланиш натижасида ўзаро боғлиқлиги, нейтрофилларни функционал-метаболик фаоллиги, кизил суяк кўмиги ва периферик қон хужайраларни, эндотелиоцит, фибробласт, остеобласт, хондробласт, остеокластларни динамик ўзгариши қайд этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янтар кислота ангиогенез, остеобластлар ихтисосланишга ва остеогистогенезга, катта болдир диафизини суяк нуқсонини тикланишини такомиллашга, яллиғланиш-регенерация жараёнига тажрибада маҳаллий ва тизимли таъсир этиш патогенетик механизмлари асослашда ва шунинг натижасида суяк нуқсони соҳасида бефосита остеогенези ва тикланишда, асоратлар ва ногиронликни камайишга имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суякни репаратив регенерациясини такомиллаштиришда маҳаллий ва тизимли омиллар таъсирини механизмларини морфологик ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Найсимон суяк диафизини нуқсонининг репаратив регенерациясини тажрибада такомиллаштириш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05497). Ушбу усул суякни мукамал тиклашга, сезиларли асоратлар ва ногиронликни камайишга ва ҳаёт мазмунини тўла тикланишга имконини берган;

«Суяк тўқимасини репаратив регенерациясини такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-р/426-сон маълумотномаси).

Суякни репаратив регенерациясини такомиллаштиришда маҳаллий ва тизимли омиллар таъсирини механизмларини морфологик баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, «Республика шошилинич тез ёрдам илмий-амалий тиббиёт маркази» ва унинг Фарғона филиали травматология ва ортопедия бўлимларининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 8н-з/217-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши суякни мукамал тиклашга, сезиларли асоратлар ва ногиронликни камайиш ва беморларнинг ҳаёт тарзини тўла тикланишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Суякни репаратив регенерациясини такомиллаштиришда маҳаллий ва тизимли омиллар таъсирини механизмларини баҳолашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий изланувчиларни сўнги маълумотлари асосида суяк туқимаси меёрда ва шикастланган сўнг тузилиши тизимли бир нечта структур-функционал даражалардан иборат эканлиги, остеокласт ва остеобласт роли, томирли ва томирсиз найлар тизимлари, камбиал, узак ва ихтисослашган хужайралар ҳақида маълумотлар келтирилган; уларни физиологик ва репаратив регенерация мобайнида иштироки ёритилган. Суяк аъзо сифатида структура ва функция жихатидан тизимли бир нечта даражадан иборат эканлиги назарга олганда репаратив регенерацияни такомиллаштиришни истиқболли усуллари муҳокама қилинган.

Диссертациянинг **«Суякни репаратив регенерациясини такомиллаштиришда маҳаллий ва тизимли омиллар таъсирини механизмларини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобининг тажрибанинг характеристикаси қисмида тадқиқот предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усуллари таъриф берилган. Тажрибалар **«Эксперимент ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси»** га мувофиқ ўтказилди (Страсбург, 1985). Тажриба 3 гуруҳ 2,0-2,5кг вазнли 42 Шиншила зотли куёнларда ўтди: I назорат (n=18) гуруҳи – катта болдир суякни диафизидида нуксон ҳосил қилган сўнг 5 кун мобайнида 1 маҳал 0,9% физиологик (12 мл) эритма вена орқали юборилган; II тажриба (n=18) гуруҳи - катта болдир суякни диафизидида нуксон ҳосил қилган сўнг 5 кун мобайнида 1 маҳал “Сукцинасол” эритма (12мг/кг) вена орқали

юборилган; III интакт гурухи (n=6) – катта болдир суякни диафиз сохасини меёрий тузилишини ўрганиш учун. Катта болдир суякни диафизиди нуқсон хосил қилиш учун 0,5% новокаин билан маҳаллий анестезиядан сўнг тери, тери ости клетчатка кесилган; юмшоқ тўқималарни четга суриб суяк усти пардаси очилади. Суяк усти пардаси ораси 0,5см, узунлиги 1,0см бўлган иккита параллел, улар учидан иккита кўндаланг кесим ёрдамида суякдан ажратилади ва олиб ташланади. Шу шаклда эндостгача бўлган суяк нуқсони диафизни ўртасида тиш пармаси ёрдамида хосил қилинади. Ундан сўнг нуқсон сохаси юмшоқ тўқима билан қопланади, тери ва тери ости клетчатка битта-иккита тугунли чок билан тикланади. Яра сохасига йодинол суртилади. Операциядан кейин давр асоратсиз ўтган. Тажриба муддатлари - 7,15 ва 30 кунлар- Г.И.Лаврищева, Г.А.Оноприенко [1996] изланишларига асосланган.

**Морфологик изланиш усуллари.** Катта болдир суякни диафиз қисмдан олинган суяк тўқимаси меёрада (III гуруҳ) спиртда фиксация қилинди, азот кислотасини спирт эритмасида калцийсизлантирилди. Суяк тўқимани кесимлари Шморл (Д.С.Саркисов, Ю.Л.Перов, 1996) усули билан бўялган. I ва II гуруҳ хайвонларни суяк тўқимаси 2,5% глутар-альдегид эритмасида фиксация қилинган; хлорид кислотасида декалцинация ва сувсизлантрилган, сўнг аралдитга қуйилган. 1-2 мкм ярим-юпка суяк тўқимаси кеесимлари LKB-4800 ултратомида тайёрдланган ва асосий фуксин ва метил кўк билан бўялган. **Морфометрик изланиш усуллари.** Катта болдир суяк диафиз сохаси меёрада ёки нуқсонли кесимларда суяк устки парда, пластинкаларини қалинлигини, томирли (марказий, тешувчи, боғловчи) найлар, лакуналар диаметри, остеоцит ва остеокласт параметрларини аниқланган. Морфометрия Интеграл-2А (Россия) ярим автоматик тасфир анализатори ёрдамида бажарилган. Сукцинасол репаратив регенерацияга таъсирининг самараси I и II гр.хайвонларда тажриба динамикасида (7, 15 и 30 сутка) нуқсонда ривожланаётган фиброз-ретикуляр, тоғай ва суяк тўқималарни нисбий миқдорини қиёслаш асосида аниқланган.

**Гематологик изланиш усуллари.** Суяк сингандан сўнг физиологик ҳолатга нисбатан турли даражадаги функционал тизимлар маълум даражада кучлироқ тебранишлиги, бир қатор регулятор омилларни синтези ва секрецияси ошишини [А.С.Аврунин ва ҳаммуалиф., 2013, 2018], уларни суяк тўқимасини репаратив регенерациясига маҳаллий ва тизимли таъсир этиш хусусияти мавжудлиги назарга олиб гуруҳлардаги хайвонларда, тажрибани 7,15 ва 30 суткаларда қон ва суяк тизимларида изланиш ўтказилган. Миелограмма ва қон формуласи Романовский-Гимза усули билан бўялган суртмаларда бажарилган. Тажрибадаги хайвонларни қизил суяк кўмиги нуқсонсиз жуфт катта болдир суягидан олинган.

**Биокимё изланиш усуллари** Нейтрофилларни функционал–метаболик активлиги (ФМАН) В.Н.Парк ва бошқ. усулини М.Г.Шубич и В.Г.Медникова модификацияси [1978] НСТ-тести асосида гранулоцитларда бажарилади. Нейтрофилларни активлиги НСТ-тест М.К.Васильцев и Л.Л.Шимкевич [1964] ярим-сон усули ёрдамида амалга оширилган. СДГ ва α-ГФДГ фаоллиги N.Novikoff, В.Мasek [2006] усули билан аниқланган. СДГ ва α-


ГФДГ активлиги тажриба динамикасида ва меёрда ўзаро муносабати индукция индекси (ИИ) деб каралган.

### Статистик усули.


Морфометрик ва биокимё изланишлар натижалари вариацион статистикани стандарт усуллари билан Стъюдентни t-критерийсини кўллаб Excel 2010 дастури асосида бажарилган. Шунда ўрта арифметик сон, унинг ўрта хатоси ва фарқни (P) ишончлиги аниқланди. Қиёсий ўлчамлар ишончлиги  $P < 0,05$  тенг [Г.Г.Афтандилов, 1990].

Диссертацияни Хусусий изланишлар натижалари III-VII бобда келтирилган.

**“Катта болдир суягини меёрда морфологик хусусиятлари” III бобида** суяк усти парадаси ва эндост, 4 турдаги суяк пластинкаларни генерацияси, томирли ва томирсиз суяк найчаларни тизими, остеоцит ва остеобластлар хусусиятлари изчиллик билан ёритилган. Суяк устки пардасида (калинлиги  $0,90 \pm 0,01$  мм) ташқи фиброз ( $0,60 \pm 0,02$  мм) ва ички камбиал ( $0,31 \pm 0,02$  мм) қаватлар фаркланади. Камбиал қават 3-4 қатлам полиморф остеобластлардан иборат. Ташқи фиброз қаватга ёпишиб турган юмшоқ тўқималардан капиллярлар киради ва, ўзаро туташиб, ташқи ўраб турувчи (умумий) суяк пластинкаларни бир қисмини озиқлантиради. Суяк устки пардани ташқи фиброз қавати зич толали бириктирувчи тўқимадан иборат. Унинг таркибидаги коллаген толалар ва фибробластлар бир нечта қатламдан иборат. Диафизни юқори учтан биридан маълум бурчак йўналишда суяк устки пардасидан ичкарида озиқлантирувчи артерия (art.nutritia) ўтади (расм 2). У тармоқланиб, найсимон суяк тўқимасида марказий; тешувчи ва боғловчи (расм 1) найларни мураккаб микроциркулятор тўрини ҳосил қилади. Суяк тўқимаси ва эндостдан ўтиб, томирлар суяк кўмиги тўрини ҳам ҳосил қилишда иштирок этади.



Расм 1. Мейёр суяк. Озиқлантирувчи артерия периостан суякка кириб бормоқда. Шморл усули бўйича бўялган. X400




Расм 2. Боғловчи артерия остеоонларни марказий артерияларни би туташган. х.400

Эндост суяк мағиз моддасини найини бир нечта ўраб турувчи юпқа суяк пластинкаларидан ва улар орасида лакунардан ташкил топган. Лакуналарда остеоцитлар танаси жойлашган бўлса, турли томон йўналган суяк найчаларида тармоқланган ўсимталари бўлади. Эндостга суяк кўмиги найи томонидан йирик думалоқ шакли остеобластларга эга гомоген остеоид бирикиб туради. Периост ва эндост орасида суяк тўқимаси остеоонларни хосил килувчи марказий томирли най, ураб турувчи бир нечта концентрик суяк пластинкалардан, лакуналар ва суяк найчаларидан, тармоқланган кўп ўсимтали остеоцитлардан иборат. (расм 4). Хар бир остеоон марказий канали таркибида бўйлама йўналган битта артерия ва битта-иккита вена, сийрак бириктирувчи туқимага хос тузилмалар билан бир қаторда кам ихтисослашган фибробластик, хондробластик, остеобластик дифферон хужайралари бор.



Расм 3. Мейёр суяк. Эндост ва остеоид. Асосий фуксин-метил кўк бўйёғи билан бўялган. X 1000



Расм 4. Мейёр суяк. Остеон кўндаланг кесимида марказий томирли най, концентрик суяк пластинкалари, суяк найчалари ва лакуналар. Шморл усули билан бўялган. x 1000


Остеонлар орасидаги тешиб ўтувчи ва боғловчи томирли найчалар. турли калибрли қон ва лимфатик томирлар, суяк кўмиги, периост ва эндост (расм 3) диафизни атрофдаги юшоқ тўқима капиллярлари ва суяк найчаларидаги остеоцитлар ўсимталари билан ўзаро боғланган, мухим структур-функционал тизим сифатида организмни мослашиш жараёнларини таъминлайди.

Шундай қилиб, катта болдир суяк аъзо сифатида структур-функционал тузилма. У ташқи ва ички ўраб турувчи, концентрик ва оралик суяк пластинкаларидан, периост ва эндост, томирли ва томирсиз найчалардан, бир-бири билан чамбарчас боғланган остеоцитлардан ва остеобластлардан, стромал ва қон яратувчи, бириктирувчи ва иммуноген хужайралардан иборат. Харакатдаги қон ва найчалар ичидаги суюқлик, қон яратувчи ва стромал хужайралар турлари найсимон суякни тузилмаларни ҳам ўзаро, ҳам бутун


организм билан боғлайди, адаптация ва организм гомеостазини таъминловчи бир нечта даражали функционал тизимни хосил қилади.

**Диссертациянинг «Катта болдир диафизни суяк нуқсонини репаратив регенерацияси»** деб номланган **IV бобида куёнларни II гуруҳидаги** комплекс тадқиқотининг таҳлили натижалари баён этилган.

Механик таъсирдан суяк шикастланишидан то уни тикланишига қадар, яъни нуқсонни тўлдириб ва суяк бўлақларини бириктириб морфологик этилган суяк тўқимаси хосил бўлгунча, суякни мустақил аъзо сифатида тўлақона тикланиши вақт талаб қилади. Шунинг мобайнида яққол ҳам яллиғланиш, ҳам суяк тўқимани тикланиш жараёни кузатилади. Улар эса эндоген а экзоген омилларга, остеоген хужайра элементларини имкониятларига боғлиқ. Суяк тўқимасини шикастланиш даври киска вақтли. У периост ва эндост, томирли ва томирсиз найчалар тизимини, суяк пластинкаларни турларини ўзаро ва суяк мағиз моддаси билан шаклланган алоқаларни шикастлайди. Бу эса мослашиш учун структур- функционал бирликни, метаболизм ва гомеостазни тиклайдиган регулятор тизимларни фаоллаштиради. Махаллий, диафизни суяк тўқмасидаги ва организм (регулятор ва бошқа функционал тизимлар) даражасидаги жараёнлар боғлиқлиги бир онгда организмни суяк нуқсон соҳасида яллиғланиш ва репаратив регенерация механизмларини ишга туширади. Таҷрибани 7 суткасида куёнларни I гуруҳида суяк нуқсонини ичида грануляциян тўқима шаклланишини, шикастланган тузилмалар, ивиган қон қолдиқлари, нейтрофиллар ва моноцитлар, эндотелиоцитларни хосил қилувчи хужайраларни, онда-сонда қон капиллярларни (расм 5), камбиал стромал хужайраларни, ихтисослашаётган фибробласт, хондробласт ва остеобластларни кузатамиз. Қон капиллярлари зичроқ бўлган соҳаларда остеобластлар ихтисослашади. Капиллярлар сони кам бўлса фибробластлар ихтисослашади ва улар зич бириктирувчи тўқимани хосил қилади (расм 6).. Суяк нуқсонини ўрта соҳаларида капиллярлар, адипоцитлар, полиморф ядроли лейкоцитлар, йирик кўп ядроли остеокластлар ва турли заррачали макрофаглар аниқланади.



Расм 5. Суяк нуқсонинида грануляциян



Расм 6. Қон томирлар суст

тўқимада эндотелиоцит ва капиллярлар фрагментлари ментлари хосил бўлиши. Асосий фуксин-метил кўк билан бўялган.х400

ривожланган нуқсон ичида ретикулоффиброз тўқима ривожланиши. Асосий функсин-метил кўк билан бўялган.х400

Нуқсонни атрофидаги суяк тўқимасида 7 суткада қон таъминланиши бузилади, остеоцитлар шикастланади ва нобуд бўлади. Бир қатор лакуналар остеоцитсиз, остеонларни марказий найи нотекис кенгайган. Айрим суяк пластинкалар ва остеонни фрагментлари остеокластлар иштирокида сўрилиб кетмоқда. Марказий найда қон оқими сакланган ҳолатларда остеон структураси қайта шаклланимоқда. Эндостни ички ўраб турувчи пластинкаларга боғланиб турган остеоид йирик остеобластларга эга. Шундай қилиб, диафизни суяк тўқимасини нуқсони хосил қилинганни илк муддатида (7 сутка) грануляцион тўқима ва унинг таркибида ивиган қон қолдиқлари, камбиал ва қон хужайралари, ихтислсашаётган эндотелиоцитлар, фибробластлар, остеобластлар, макрофаг ва остеокластлар, капиллярлар ва ретикуляр тўқима хосил бўлиши кузатилади. Нуқсон ўрнида суяк тўқимани қайта шаклланиши, қон томирлар, ихтисослашаётган хужайралар грануляцион туқима таркибида кузатилиши яллиғланиш ва репаратив регенерацияни бир-бири билан боғлиқ ягона жараён. Уларни ривожланиш йўналишлари маҳаллий ва тизимли омилларга боғлиқ. Динамикада суяк синиги соҳасида тўқималарни ривожланишига таъсир этади.

Суяк тўқимани нуқсони хосил қилганига 15 сутка ўтгач унинг бўшлиғида турли миқдорда дағал толалар, тоғай ва пластинкасимон суяк ва грануляцион тўқима аниқланади. Грануляцион тўқима таркибида ивиган қон қолдиқлари, фибрин, хужайра қолдиқлари, қон капиллярлари, макрофаглар ва остеокластлар, ихтисослашаётган эндотелиоцитлар, остеобластлар, фибробластлар, ретикуляр ва бошқа хужайралар мавжуд. Нуқсон деворинг юзасида бирламчи суяк пластинкаларни ва овал-думалоқ остеобластларни хосил бўлаётганини кузатилади. Уларни коллаген толалари нуқсон ичида ривожланаётган суяк тўқимани атрофдаги суякли деворига бирикади. Хосил бўлаётган компакт суякни пластинкалари нуқсон деворлари орасида жойлашади ва уларни бир-бирига бириктиради, ёки қон томир атрофида концентрик шаклланаётганлиги кузатилади. Илк ривожлана бошлаган остеонларни марказидаги қон томир кичик диаметри, битта-иккита концентрик пластинкалари бўлса, бошқа турдагиларни қон томирлари йирикроқ, концентрик суяк пластинкалари 2-3 ва ундан кўпроқ. Суяк нуқсонни деворини таркибидаги айрим остеонлари марказий томирида ивиган қон бор, бириктирувчи тўқима ва хужайралари миқдори камайган.


Диафиз суяк тўқимаси травматик шикастланишидан 15 сутка ўтгач нуқсон ичида фибробластлар, хондробластлар ва остеобластлар мавжуд. Улар йирик, диаметри 20-30 мкм, ядроси нисбатан катта, цитоплазмаси катта хажмли. Остеобластлар нуқсон деворига нисбатан бўйлама ёки перпендикуляр тартибли йўналган суяк пластинкалар хосил қилади. Шу ерда концентрик ва

чўзинчоқ пластинкалар хосил бўлиши ривожланаётган ва ўзаро туташаётган қон томирлар билан узвий боғланган ҳолда рўй бермоқда. Нуқсонни айрим сохаларда қон томирлар кам, фибробластлар ва хондробластлар ривожланиши кузатилади: улар монанд зичлашдиган бириктирувчи тўқима хосил қилади

Диафиз суяги шикастлангандан 30 сутка ўтгач нуқсон ичида суяк тўқимани миқдори  $84,7 \pm 1,8\%$ , ундан  $14,6 \pm 0,8\%$  минераллашмаган. Ретикулофиброз ва хондроид (расм 8) тўқималар нисбий миқдори ўрта ҳисобда 8%га тенг. Нуқсон деворидаги суякни тузилиши қайта шаклланмоқда. Нуқсон ичида, бўйлама жойлашган суяк пластинкалари орасида кўндаланг кесилган турли диаметрли қон томирлари кузатилади. Улар атрофида, олдин хосил бўлган суяк пластинкаларга перпендикуляр йўналган концентрик бир-бирини қоплаган пластинкалар ривожланиши кузатилмоқда (расм 7).



Расм 7. Нуқсон ичида қон томир атрофида остеоини концентрик пластинкалари, суяк найчалари, лакуналар ва остеоцитлар ривожланиши. Асосий фуксин-метил кўк.х1000



Расм 8. Нуқсонда қонривожланмаган да тоғай хужайралари ва тўқимаси. Асосий фуксин-метил кўк. Х1000

Гетерохрон, турли вақда концентрик пластинкаларни ривожланнишини морфологик эквиваленти - концентрик пластинкаларни сони, марказий қон томирларни диаметри ва бириктирувчи тўқима ҳажми ривожланаётган остеоинларда фарқланади.

Остеоцитлар лакуналарда, шохланланган кўпдан-кўп ўсимталари суяк пластинкалари ичидаги ва орасидаги найчаларда кузатилади. Нуқсонни четидаги ривожланаётган суяк борган сари шикастланганга яқинлашмоқда. Хосил бўлаётган янги ва нуқсон деворидаги суяклар коллаген толалари ўзаро туташиб бирлашмоқда. Шу ердаги қон томирлар атрофида бирин-кетин концентрик суяк пластинкаларни шакллаб остеоинларни хосил қилмоқда. Таҷрибани 30 суткасида нуқсон ичида ва атрофдаги суякда остеоинлар пластинкалари зичлашади.




Шундай қилиб, I гуруҳ хайвонларда 30 суткада, катта болдир диафизини суяк нуқсони репаратив регенерацияси мобайнида суяк билан бирга ретикулофиброз ва тоғай тўқималари ривожланади. Тартибли, биринкетин кечадиган яллиғланиш ва репаратив регенерация узвий, узаро боғлиқ жараёнлар адаптив характерга эга бўлиб, грануляцион тўқима таркибида қон ва строма дифферонларини ихтисослаштиради, эндотелиоцитлар ва қон капиллярлар, фибробласт ва хондробласт, остеобласт ва остеоцитлар, остеокласт ва макрофаг, остеоид, ретикулофиброз ва хондроид тўқималарни ҳосил қилади.

**“Катта болдир суякни диафизини суяк тўқимасини репаратив регенерациясини такомиллаштириш” V бобида** найсимон суякларни шикастланишдан сўнг тикланишини такомиллаштириш муҳим долзарб муаммо эканлиги қайд этилади. Бунинг негизида репаратив остеогистогенезни мураккаблиги, унга маҳаллий ва тизимли омилларни таъсирини кўплиги.

Суяк тўқимасини репаратив регенерациясини такомиллаштириш учун ватанимизда тадбиқ этилган “Сукцинасол” препарати қўлладик. Экстремал ҳолатларда монанд равишда организмни тизимли мослашишини таъминлаш учун Крепс циклида сукцинат метаболизми сезиларли даражада ошади. Шунинг эвазига барча хужайраларда модда алмашуви, тўқималарда эса кислород парциал босими тикланади [А.В.Смирнов, А.Ш.Рямянцев, 2014].

Суяк тўқимаси шикастланганда “Сукцинасол” 5 марта инфузия қилингандан сўнг 7 суткада нуқсон бўшлиғида ивиган қон, хужайралар қолдиқлари деярли йўқ; грануляцион тўқимада оз миқторда полиморф лейкоцит, камбиал, стромал ретикуляр хужайралар ва адипоцитлар, ихтисослашаётган эндотелий ҳосил қилган капиллярлар фрагментларида эритроцитлар, капиллярлар кузатилади (расм 9). Капиллярларга боғлиқ равишда йирик остеобластлар ва остеокластлар, моноцитлар ва фибробластлар жойлашган. Қон томирлар нисбатан кўпроқ нуқсон деворини юзасида ва яқинида кузатилади, атрофида эса бевосита остеоидларни концентрик суяк пластинкалари ривожланади. Грануляцион тўқима таркибидаги шаклланаётган остеокластлар йирик, нотўғри шаклли, цитоплазмасида турли сон везикулалар ва ядролар кўринади. Грануляцион тўқима таркибида ундан ташқари макрофаглар, остеобласт, эндотелиоцит, стромал ва фибробластлар кўринади. I ва II гуруҳ хайвонларда суяк нуқсониди ретикуло-фиброз тўқима миқдори монанд равишда  $8,17 \pm 0,17$  и  $10,0 \pm 0,45\%$  ( $P < 0,05$ ) тенг. Тажрибадаги II гуруҳ хайвонларда сукцинасол таъсирида остеоид тўқима ҳам  $2,17 \pm 0,17\%$  миқдорда ривожланган.



Расм 9. Нуқсон ҳосил килинган ва Сук- цинасол инфузияси. 7 кун; фаол тўқима таркибида эндотелий ва капиллярлар ҳосил бўлмоқда. Асосий фуксин-метил кўк. X 400



Расм 10. Нуқсон ҳосил килинган ва сукцинасол инфузияси. 15 кун. Қон томирлар атрофида концентрик суяк пластинкалар ривожланмоқда. Асосий фуксин метил кўк. X 1000

Шундай қилиб, регенерацияни илк муддатида сукцинасол таъсирида нуқсондаги грануляцион тўқима ўрнида ретикулофиброз ва ҳам остеоид тўқима, нисбатан кўпроқ остеобласт, остеокласт, эндотелиоцит ва қон капиллярлари ривожланади.

